# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 28 февраль, № 42 (5972) Жума


# ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ИМКОНИЯТЛАРИ

## аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда



**2013 йилда тиббиёт-санитария соҳасида биринчи ёрдам кўрсатиш оилавий тиббиёт принципи асосида ишлаш шаклига ўтказилиб, бундай ўзгариш қишлоқ жойларда, айниқса, чекка туманларда яшаётган**

**14600000**

**нафар аҳолига малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконини берди.**



Бугун юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасидан нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки чекка ҳамда олис қишлоқлар аҳолиси ҳам бирдек баҳраманд бўлмоқда. Айниқса, малакали тиббий хизматнинг бевосита хонадонларга кириб бораётгани оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юртдошларимиз саломатлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Бу борада тизимнинг энг қуйи ва муҳим бўғинига айланган қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг ўрни ҳамда аҳамияти катта.

— Қишлоқ врачлик пунктимиз замонавий бинода жойлашган, — дейди Ховос туманидаги “Соҳибкор” қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи меҳнат фахрийси Мўминжон Қўзибоев. — Бу ердаги тиббий жиҳозлар, замонавий асбоб-ускуналарни айтмайсизми?! Шифокорлар ўз ишига

## ■ ИСЛОҲОТ

масъулият билан ёндашишади. Бари тажрибали, малакали, ширинсухан. Энг муҳими, улар врачлик пунктига беморлар мурожаат қилишини кутиб ўтиришмайди. Аксинча, кўп ҳолларда, хонадонма-хонадон юришади. Аҳолидан ҳол сўрашади. Қишлоқдошларимиз саломатлиги билан қизиқишади. Зарур кўрсатма ва тавсиялар беришади. Албатта, бу — катта қулайлик.

Дарвоқе, айни пайтда Сирдарё вилоятидаги 142 та қишлоқ врачлик пунктининг барчасида ана шундай намунали тиббий патронаж хизмати жорий этилган. Қолаверса, “оила шифокорлари” деб эътироф этилаётган қишлоқ врачлик пунктлари ходимлари аҳоли саломатлигини назорат қилиш баробарида, оилаларнинг турмуш тарзи, санитария-гигиена ҳолати бўйича ҳам хонадон эгаларига ўз тавсияларини бериб боришмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ■ 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Яқинда давлатимиз раҳбари қарори билан жисмонан ва маънан баркамол, мустақил фикр ва юксак интеллектуал салоҳият, чуқур билим ҳамда замонавий дунёқарашга эга ёш авлодни вояга етказиш учун комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган “Соғлом бола йили” Давлат дастури тасдиқланди.*

# КЕЛАЖАК АВЛОД ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК

## ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир

Таъкидлаш лозимки, республикамизда тарихан қисқа давр ичида ушбу соҳада улкан ишлар олиб борилди. Мамлакат ва жамият тараққиётида салмоқли аҳамият касб этган бир қатор умуммиллий дастурлар ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, “Соғлом она — соғлом бола” дастури асосида ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг рўёбга чиқарилиши давлатимизнинг бу борадаги ғамхўрлигига яна бир ёрқин мисолдир. Хусусан, 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ, охирги беш йилда эса болалар мусиқа ва санъат мактабларига 488 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Жисмоний тарбия ва спорт ривожи ҳам диққат-эътиборда турибди. 2003 — 2013 йиллар мобайнида юртимизда 1816 та спорт объекти барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Пировардида уларда шуғулланаётган болалар сони йилдан-йилга ошиб бораётир.

Айни пайтда мамлакатимизда 4950 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Уларда 600 мингдан зиёд болаларнинг ҳар томонлама камол топиб, улғайишлари учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Шуларга муштарак равишда ўғил-қизларимиз замонавий талабларга жавоб берадиган мактабларда таҳсил олаяпти. Қолаверса, 483 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 211 “Баркамол авлод” марказида навқирон авлод вакиллари қобилиятини ривожлантириш учун барча қулайлик муҳайё этилган.

2013 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан назорат-таҳлил тадбирлари доирасида “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси Фарғона вилоятида ўрганилди.

(Давоми 2-бетда).

## 8 март — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

*Аёл қачон ўзини бахтли ҳис этади? Албатта, юрти ва оиласи тинч, фаровон, фарзандларидан хотиржам, жамиятда муносиб ўрнига эга бўлса. Шукрки, мен ҳам бахтиёр юртдошларимиздан бириман. Севган касбимни эъзозлаб, кам бўлмадим.*

# Аёл бахти

Нега дейсизми? Унда эшитинг: бугун биз, аёлларга қаратилаётган эътиборни ҳар нафасимизда ҳис қилиб келаяпмиз. Буни жамиятимизнинг барча жабҳаларида, айтайлик, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими, саноат ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларида самарали фаолият олиб бораётган фидойи аёллар тимсолида кўриш мумкин. Зукко қизларимиз, фозила аёлларимиз эса фан, санъат, маданият ва спортда юқори марраларни забт этишаяпти.

Бундай мисолларни ўзимнинг иш фаолиятимдан ҳам келтирсам. Бугун ўқитувчи аёл энг эъзоздаги кишилардан бирига айланди. Сабаби, Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли таълим соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган эзгу ислоҳотлар ўзининг ёрқин натижасини кўрсатаяпти. Айниқса, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури доирасида юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий мактаблар, спорт иншоотлари қурилди, мавжудлари қайта таъмирланиб, тўлиқ жиҳозланди. Жумладан, ўзим фаолият юритаётган Қонликўл туманидаги 4-сонли умумтаълим мактабини олайлик. Бу ердаги фан хоналари ва лабораториялар янги жиҳозлар, энг сўнгги ўқув ускуналари билан таъминланди. Бундай шароитларнинг яратилиши биз, аёлларнинг ҳам бахтимиздан дарак беради. Боиси бу муқаддас масканларда фарзандларимиз таҳсил олишади. Улар улғайиб, Ватанига, халқига, ота-онасига хизмат қиладиган инсон бўлиб етишса, айтинг, бундан ортиқ сурур борми дунёда?!

Фахрланиб айтаманки, ўқув муассасамиз — Қорақалпоғистондаги энг намунали таълим даргоҳларидан бири. Жамоамизда бир қатор давлат мукофоти совриндорлари, эл эъзозидаги ижодкор педагоглар фаолият кўрсатса, ўқувчиларимиз орасида фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ғолиблари бор. Улар ичида хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Бундай ютуқлар, албатта, Президентимиз томонидан соҳа ривожига ва аёлларга кўрсатилаётган юксак эътибор, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган рағбат натижасидир. Хусусан, мен ҳам мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига кўра “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” унвонига мушарраф бўлдим.

Аёл — миллат келажаги, ҳаёт давомчиси. Хотин-қизлар эъзозланган, қадрланган юртнинг бугуни ва эртаси тинч, фаровон бўлади.

**Роза АЛЛАНИЯЗОВА,**
**Қонликўл туманидаги 4-сонли мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС ФОРУМИ

*Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес форуми ҳамда Кооперация биржаси бўлиб ўтди.*

## ■ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг банк-молия, қурилиш, машинасозлик, геология ҳамда минерал ресурслар, ёқилғи-энергетика, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик, сайёҳлик каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга замин яратди. Мазкур ташриф чоғида ҳуқуқий соҳада, сайёҳлик ва молия йўналишларида ҳамкорлик бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди, шунингдек, қиймати 5 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган ва бунда Жанубий Кореянинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 3 миллиард доллардан ортиқни ташкил қилувчи шартномалар тузилди.

Дарҳақиқат, Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири ҳисобланади. Юртимизнинг тобора юксалиб бораётган иқтисодий салоҳияти, хорижий инвесторлар учун яратилган қулай муҳит ва жорий этилган кўплаб имтиёзлар кореялик ишбилармонларнинг ҳамкорликка бўлган қизиқишини оширмоқда.

Мамлакатимизда Жанубий Корея билан биргаликда 418 та қўшма корхона ташкил этилган, шундан 70 тасининг фаолияти юз фоиз Корея Республикаси сармояси асосида йўлга қўйилган. Улар савдо, енгил саноат, кон-металлургия, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, уй-коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш сингари соҳаларни қамраб олган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Корея Республикасининг “KOGAS”, “STX”, “Honam Petrochemical Corporation”, “Shindong Resources Co. Ltd”, “Textile Technologies Group” компаниялари билан ҳамкорликда бир қанча йирик инвестициявий лойиҳалари амалга оширилмоқда.

— Президент Ислом Каримов бошчилигида олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланмоқда, — дейди Корея халқаро савдо уюшмаси раисининг ўринбосари Ан Хйунхо. — Масалан, жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 2008 — 2013 йилларда 8 фоиздан юқори бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# Маҳалла ва оилавий тадбиркорлик

*Тадбиркорлик халқимизга хос фазилатлардан саналади. Аждодларимиз савдода, деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчиликда қандай ютуқларга эришганликлари тарихдан маълум. Истиқлол бу борадаги интилишларга янгича суръат берди. Биргина оилавий тадбиркорликда улкан натижалар қўлга киритилаётгани бунинг яққол далилидир.*

## ■ ҚОНУН ВА ИЖРО

Бунда, шубҳасиз, фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини бўлган маҳаллаларимиз алоҳида ўрин тутади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талаблари асосида янги таҳрирда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунлар оилавий тадбиркорликни кенг ривожлантиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтаётир.

(Давоми 2-бетда).






# Миллий қадрият ва анъаналаримиз айёми

*Халқимизнинг яратувчанлик, яшариш, янгиланиш билан боғлиқ ҳаётбахш ғояларини ўзида мужассам этган бетакрор маънавий қадриятлари дунё тамаддуни тарихида муҳим ўрин тутади. Ана шундай бебаҳо жавоҳирларимиздан бири Наврўздир.*

## ■ ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

Наврўз йил янгиланадиган, табиат уйғонадиган, бободеҳқон далага яхши ният билан барака уруғини қадайдиган бир даврда нишонланадиган байрам сифатида янада ардоқли. Мамлакатимиз ҳудудидаги қадимги қоятошларда акс эттирилган самовий тимсоллар ва аждодларимиз деҳқончилик маданияти анъаналари ифодаланган лавҳалар, “Авесто”даги афсонавий тасаввурлар, Беруний, Наршахий, Маҳмуд Қошғарий, Рабғузий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби улуғ бобокалонларимизнинг асарларида қайд этилган қимматли маълумотлар Ватанимизда Наврўз байрами тўрт ярим минг йилдан буён нишонланиб келинаётганлигини кўрсатади.

Юртимизнинг табиий-иқлим шароити бу ерда қадимдан деҳқончилик шаклланишини ва изчил тараққий этишини таъминлаган. Деҳқончилик маданияти анъаналари экинларни экиш, парваришлаш ва ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш муддатларини аниқ белгилашга асосланган. Бу эса йил фасллари алмашинуви ҳамда ой ва қуёш ҳаракатини муттасил кузатишни, муайян вақт ҳисоби амалларини қўллашни тақозо этган. Самовий жисмлар ҳаракати ва фасллар об-ҳавосидаги ўзгаришларни яхши билган ҳисобдонлар баҳорий тенгкунликнинг дохил бўлиш муддатини ҳам бехато айтиб бера олишган. Эътиборлиси, вақт ҳисобини юргизишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлган.

Қуёшнинг йиллик ҳаракатини кузатишга асосланган “*шамсий тақвим*”, ой фазаларининг муттасил ўзгаришини ифодаловчи “*қамарий тақвим*”, ой ва Ҳулкар юлдузининг ҳаракат йўналишидаги кесишув нуқталарини белгиловчи “*тўғал*” ёки “*тўқуш ҳисоби*”, дарёлар сатҳининг кўтарилиб-тушишини кўрсатувчи “*тошув ҳисоби*”, экинларни экиш, парваришлаш ва ўриб-йиғиб олиш муддатларини ўз ичига олган “*юз ҳисоби*”, қушларнинг кузда иссиқ ўлкаларга қишлаш учун учиб кетиши ва кўкламда яна қайтиб келишини кўрсатувчи “*қуш қайи*” ёки “*долға ҳисоби*” шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунинг ўзиёқ жуда кўп нарсани англатади. Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун қулай бизнес муҳити, имтиёз ва енгилликлар яратилган. Бугунги форум ишбилармонларимизга бу борадаги имкониятлар ҳақида янада кенгроқ маълумотга эга бўлиш, келгусида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини бундан-да чуқурлаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Анжуман иштирокчилари "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" махсус индустриал зонасида яратилган инвестициявий муҳит, Жанубий Корея компанияларининг Ўзбекистондаги фаолияти, тажрибаси билан атрофлича танишдилар.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестициявий лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр энергияни электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобиль ҳамда стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2013 йилда махсус зонадаги корхоналар томонидан қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу борадаги ўсиш суръати 2012 йилдагига нисбатан 25,8 фоизни ташкил этди.

"Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудида қисқа муддатда умумий қиймати қарийб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли катталикдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қолаверса, шакар ишлаб чиқариш бўйича янги завод ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

Кореялик меҳмонлар ушбу ташриф доирасида "Ангрен" махсус индустриал зонасида ҳам бўлиб қайтишди.

Бизнес форум якунида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Корея халқаро савдо уюшмаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Куннинг иккинчи ярмида ишбилармонлар Кооперация биржасида иштирок этишди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# КЕЛАЖАК АВЛОД ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК

## ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълум бўлишича, биргина ўтган йил давомида ҳудуддаги 24 та мактабда 17 миллиард сўмлик капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилган. Жорий йилда эса 26 та таълим муассасасида шу каби эзгу юмушларни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 22 миллиард сўм ажратилиши белгиланган. Бундан ташқари, вилоятнинг 16 та туманида охирги уч йилда "Баркамол авлод" марказлари тўлиқ таъмирланган бўлса, бу йил ана шундай масканлардан яна тўрттаси ишга туширилади. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан эса 2013 йилда 14 та спорт объекти қурилган. Жорий йилда ҳам шунчаси қад ростлаши режалаштирилган.

Умуман олганда, истиқлол йилларида мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодни бекаму кўст камол топтириш йўлида амалга оширилган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Ўтган даврда бир ярим мингдан ортиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканлари ташкил этилиб, уларда ёшлар ўзлари танлаган мутахассисликда ўқиётгани бунга бир мисолдир. Ва бу ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътироф этилаётгани диққатга сазовор.

Хусусан, мен депутат сифатида сайланган Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги тўққизта касб-ҳунар коллежининг еттитаси янгитдан барпо этилди. Вилоятда эса 54 та янги ва 64 та капитал таъмирдан чиқарилган ана шундай таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Зеро, ёш авлоднинг интеллектуал, жисмонан ва маънан ривожланишига йўналтирилган маблағ келажакка сармоядир.

Ўз навбатида, таълим соҳасидаги ислоҳотлар юрт, унинг халқи бахтли келажаги учун рўёбга чиқарилмоқда. Энг эътиборлиси, мазкур олижаноб мақсад "Соғлом бола йили" Давлат дастурида мужассам эканлигидадир. Бинобарин, унда соғлом боланинг туғилиши, уни вояга етказиш, оилаларда муносиб тарбия муҳитини яратиш, ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар ўз ифодасини топган.

Давлат дастурининг биринчи бўлимида айрим қонун ҳужжатлари, жумладан, "Таълим тўғрисида"ги Қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар ишлаб чиқиш, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари", "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонунларни янги таҳрирда тайёрлаш кўрсатиб ўтилган. Шулар қаторида ахборот хуружлари кучаяётган ҳозирги даврда "Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш долзарбдир. Шу асосда болаларни уларнинг онгини бузувчи ва "оммавий маданият" ниқоби остида кириб келаётган ёт ғоялардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизми яратилади.

Яна шуни эътироф этиш лозимки, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ушбу соҳадаги давлат органлари олдида турган ишларнинг устувор йўналишларига мос келадиган еттита бўлимдан иборат. Чунончи, тўртинчи бўлимда соғлом болани тарбиялашда таълим ва спорт тизими ролини ошириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни юқори малакали ва тажрибали педагоглар билан тўлдириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирлар белгилаб берилган. Унда, шунингдек, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, сифатли бошланғич таълим билан таъминлаш, педагогика жараёнларига билим ва тарбия беришнинг илғор методикалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳам назарда тутилган.

Мухтасар айтганда, "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг самарали амалга оширилиши давлат ва жамоат ташкилотларининг мустаҳкам ҳамкорликда ишлаши, режалаштирилган чора-тадбирларда аҳолининг кенг қатламлари, барча фуқароларнинг фаол иштирокини тақозо этади. Бу нафақат бизнинг давлатимиз, балки бутун халқимиз, шу кўҳна ва муқаддас тупроқда яшаётган ҳар бир инсоннинг бурчидир. Зотан, болалар — келажагимиздир.

**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.***

«Moody's»:

# Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожланмоқда

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги ҳамкорлигида тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг баҳоларини олиш, банклар фаолиятини баҳолаш ва таҳлил этишнинг халқаро стандартларини жорий қилиш масалаларига бағишланган навбатдаги йиллик конференция ташкил этилди.***

ЭЪТИРОФ

Президентимизнинг "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида уюштирилган мазкур тадбирда республикамизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этди.

Маълумки, Марказий банк мамлакатимизда мазкур тизимнинг бош мувофиқлаштирувчиси сифатида соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, банкларнинг юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш, молиявий барқарорлигини ошириш, фаолиятини баҳолаш ва таҳлил этишнинг халқаро стандартларини жорий этиш, молия бозорларида банкларнинг иштирокини кенгайтириш орқали уларнинг инвестициявий салоҳиятини кўтаришга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириб келмоқда.

Конференция давомида банкларнинг молиявий ҳисоботларини "Moody's" рейтинг методологияси асосида таҳлил этиш ҳамда тижорат банклари фаолиятига халқаро меъёр ва стандартларга асосланган замонавий баҳолаш тизимини жорий этиш имкониятлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, агентлик экспертлари ана шу методология асосида банкларга кредит рейтингини белгилаш жараёни тўғрисида батафсил тушунтиришлар бериш ва МДҲ мамлакатлари молия институтларининг ҳозирги ҳолати таҳлили билан таништириш баробарида, Ўзбекистон банк тизимида жорий этилаётган ислоҳотлар самарадорлиги юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Агентлик экспертлари қайд этишича, бугунги кунда "Moody's" МДҲнинг 6 та давлати, яъни Ўзбекистон, Россия, Украина, Беларусь Республикаси, Озарбайжон ва Қозоғистон билан ҳамкорлик қилмоқда. Улар орасида фақат иккита давлат, шу жумладан, Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболи "барқарор" даражада баҳоланмоқда.

Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари бўйича дунё бозорларидаги нарх барқарорлиги, давлат ва хусусий секторнинг сезиларли даражадаги капитал қўйилмалари, активлар сифати ва капиталнинг ўсиш тенденцияси, тизимда ликвидлик ҳолатининг яхшилиги, капиталнинг ички ресурслар ҳисобига ошиб бориши, иқтисодиётнинг ўсиши ҳисобига банклар даромадининг муттасил кўпайиши, ҳукуматнинг молия муассасаларини фаол қўллаб-қувватлаши тизим ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ўтган йилнинг август ойида "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги "Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари тўғрисида"ги ҳисоботини эълон қилиб, унда кетма-кет тўртинчи бор юртимиздаги ривожланиш истиқболларини "барқарор" деб баҳолагани бежиз эмас.

"Moody's" агентлиги мутахассислари фикрига кўра, ушбу ижобий баҳонинг асосий омили банкларга қулай операция муҳитини яратиб бераётган республика иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларидир.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда молия-банк тизимининг барқарорлигини ошириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Натижада бугунги кунга келиб, барча тижорат банклари дунё молия бозоридаги уч йирик ташкилот — "Moody's", "Standard&Poor's" ва "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентликларининг барқарор рейтинг кўрсаткичларига эга бўлмоқда.

Конференция якунида ишлаб чиқилган тавсиялар эса республикамиз банк тизими барқарорлигини бундан-да юксалтириш, тизимдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, етакчи рейтинг агентликларининг стандартлари ва баҳолаш кўрсаткичлари асосида тижорат банклари фаолиятини баҳолаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***



# ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ИМКОНИЯТЛАРИ

## аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунончи, Оқолтин туманидаги "Бобур" қишлоқ врачлик пункти фаолиятида ҳам ана шундай ибратли жиҳатлар кўзга ташланади. Эътиборлиси, ҚВП жамоаси "Хасталикни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал", деган шиорни асосий мезонга айлантирган. Бунинг натижасида ҳудудда аҳоли саломатлигини сақлаш борасида юқори натижаларга эришилмоқда. Зотан, мазкур тиббиёт муассасаси ўтган йилги танловда вилоятда "Энг намунали ҚВП" деб топилгани ҳам бежиз эмас.

— Бир вақтлар қишлоғимизда яшовчилар оддий хасталик ташхиси учун ҳам туман марказига боришга мажбур бўлишарди, — дейди мазкур қишлоқ врачлик пункти мудири Зокиржон Шамсиев. — Эндиликда эса ҚВП шароити туфайли тиббий хизмат билан боғлиқ кўплаб муаммолар ҳал этилди. Ҳозир врачлик пунктимизда замонавий таҳлил лабораторияси, физиотерапия хонаси мавжуд. Маълум кунларда акушер-гинеколог хизмати ташкил этилган. Вилоят ва туман тиббиёт муассасаларидан келган малакали шифокорлар иштирокида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ҳам ҚВП қошида олиб борилмоқда. Шунингдек, бу ерда "Дори-дармон" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли дорихона ишлаб турибди.

Бинобарин, Сирдарё туманидаги "Ҳақиқат", Мирзаобод туманидаги "Наврўз", Ховос туманидаги "Карвонсарой" ҚВПлари ҳам кўркам бинолари, намунали фаолияти ҳамда илғор тиббиёт жиҳозлари билан киши эътиборини тортмай қолмайди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотларига кўра, истиқлол йилларида воҳадаги 97 та ҚВП учун янги бинолар қурилди. Ўтган йили эса 15 та ана шундай муассаса мукаммал таъмирдан чиқарилди. Жорий йилда улардан яна 18 тасида бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, "Саломатлик — 1", "Саломатлик — 2" лойиҳалари доирасида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини 4,9 миллион сўмлик асбоб-ускуналар ҳамда лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Таъкидлаш лозимки, ҚВПларда фаолият кўрсатаётган шифокорларнинг деярли ҳаммаси умумий амалиёт малакасига эга. Шу туфайли ташхис қўйиш, даво-муолажа тайинлаш, зарур ҳолларда беморни бошқа тиббиёт муассасаларига йўллашдаги аниқлик юқори даражада бўлмоқда. Улар фаолият юритаётган ҳудуддаги хонадонларга ўрта тиббиёт ходимлари бириктирилгани эса тиббий хизмат самараси янада ошишини таъминлаяпти. Ўз навбатида, соғлиқни сақлаш тизимидаги бундай намунали хизмат натижасида аҳолининг санитария-тиббий маданияти, турмуш тарзи янада юксалмоқда. Зеро, буларнинг бари мамлакатимизда инсон манфаатлари устувор мезон эканлигининг яна бир амалий ифодасидир.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
***«Халқ сўзи» мухбирлари.***

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги пайтда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилаяпти. Жумладан, фуқаролар йиғинларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида махсус марказлари ташкил этилмоқда, тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялар ишини самарали йўлга қўйишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни чоғда тадбиркорлик билан шуғулланиши истагини билдираётганларга фуқаролар йиғинлари фаоллари томонидан услубий ҳамда амалий ёрдамлар кўрсатилаётир.

очмоқда. Бугунги кунда оилавий тадбиркорларимиз сафи тобора кенгайиб бораяпти. Мисол учун, Холдоровлар оиласи лимончиликни йўлга қўйиш истаги билан мурожаат қилди. Уларнинг ушбу таклифини қўллаб-қувватладик. Мана, ҳозир мазкур хонадондаги мўъжазгина томорқада етиштирилаётган мевалар бозорга чиқарилмоқда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги ишларимиз кўлами янада кенгайди. Зеро, мақсадимиз оилавий тадбиркорлар сонини янада кўпайтириш орқали юртимиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ҳамда оилалар фаровонлигини ошириш ва фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

# Маҳалла ва оилавий тадбиркорлик

Бугун "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий тузилмалари ва фуқаролар йиғинлари томонидан оилавий бизнеснинг қишлоқ хўжалиги йўналишини ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор ўз самарасини бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Биргина мисол: ҳозирги кунда юртимиздаги кўплаб хонадонларнинг томорқаларида сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилиб, қишда ҳам, ёзда ҳам бозорларимиз тўкинлиги таъминлаб келинаяпти. Шунга мос равишда жойларда оилавий тадбиркорликнинг чорвачилик йўналиши жадал ривожланиб бораётганлигини ҳам айтиш зарур. Бу, ўз навбатида, оилаларнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қоплаш баробарида, бозорларни гўшт ҳамда сут маҳсулотлари билан тўлдиришга хизмат қилмоқда. Ҳудудларнинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиқиб, оилаларда асаларичилик, балиқчилик, паррандачилик фаолияти йўлга қўйилаётгани ҳам айни муддаодир.

Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги "Янги Чиноз" шаҳарча фуқаролар йиғинида оилавий бизнесни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб келинаётгани мисолида буни яққол кўриш мумкин. Йиғин раиси Ҳанифа Собирқулова ва маҳалла фаоллари ҳудуддаги оилалар қизиқиши ҳамда интилишларини яхши билишади. Шу асосда хонадонлар моддий аҳволини яқиндан ўрганиб, оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ ғояларни улар ёрдамида рўёбга чиқармоқдалар.

— Ҳудудимизда мингдан зиёд хонадон бўлиб, уларда 4 минг 300 га яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди Ҳ. Собирқулова. — Истиқлол берган кенг имкониятлар уларнинг тадбиркорлик салоҳиятларини

Шаҳарча Чирчиқ дарёсига яқин жойлашган. Ушбу ҳудудда сунъий кўллар кўп бўлиб, балиқчиликни ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд. Ҳудуднинг ўзига хос шу табиий шароити уларга қўл келди. Масалан, Шоназаровлар оиласи сунъий кўлда балиқчилик билан шуғулланмоқда. Ҳозир Муроджон бошлиқ оила вакиллари балиқчилик хўжалиги қошида қўшимча тармоқларни ҳам ташкил этиш устида ишлаяпти. Эргашевлар хонадони ҳам балиқчилик орқасидан барака топмоқда. Айни чоғда улар бир неча турдаги балиқларни савдо шохобчаларига ва буюртмачи ташкилотларга етказиб бермоқда.

Чинозликлар чорвачилик ва асаларичиликдан ҳам яхши даромад олиш сирларини пухта ўзлаштиришган. Шаҳарча фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Машҳура Алиева — ана шундай оилавий тадбиркорлардан бири. Дастлабки фаолиятини чеварликдан бошлаган тиниб-тинчимас бу аёл оиласи билан биргаликда чорвачиликнинг яна бир йўналиши — асаларичиликка қўл урди. Унинг ўзига хос қийинчилиги бор, албатта. Машҳура опа ишга астойдил киришди. Интилганга толе ёр, деганича бор. Бу ерда парваришланаётган асалари уялари сони ҳам, маҳсулот ҳажми ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда.

Умуман, бугунги кунда маҳаллалар, давлат ва жамоат ташкилотлари ижтимоий ҳамкорлигида оилавий бизнеснинг деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик, ҳунармандчилик, савдо ва хизмат кўрсатиш каби йўналишлари жадал ривожланмоқда. Муҳими, шунинг орқасидан оилалар фаровонлиги, фарзандларимиз истиқболи таъминланаяпти. Зеро, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шундан иборатдир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# Миллий қадрият ва анъаналаримиз айёми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, халқ орасида *"мучал ҳисоби"*, *"деҳқон ҳисоби"*, *"чорва ҳисоби"*, *"тўқсон ҳисоби"*, *"чилла ҳисоби"*, *"юлдуз ҳисоби"*, *"Қамбар тўғал"* ҳисоби жуда машҳур. Шуларнинг ўзиёқ аждодларимиз қуёш ва ой манзилларини, юлдузлар ҳаракати, табиий ҳодисаларнинг рўй бериш сабаблари ҳамда муддатларини кузатишга асосланган юксак фенологик билимга эга бўлганликларини кўрсатади.

Истиқлол йилларида халқимизнинг Наврўз байрами билан боғлиқ барча қадимий қадриятлари қайта тикланди. Баҳорий тантаналарга кўрк бўладиган миллий ўйинлар — кўпкари, кураш, арғимчоқ учиш, варрак учириш, кўчқор уриштириш анъаналари билан бирга, фольклор-этнографик жамоаларининг чиқишлари, лапар, ўлан, алла қўшиқлари, қўли гул ҳунармандлар томонидан яратилган хилма-хил амалий санъат намуналари, дорбоз, аскиячи ва қизиқчиларнинг томошалари, маҳалла-кўй ободончилиги, оилалар фаровонлиги ва меҳр-оқибатлилик билан боғлиқ анъаналарнинг янгича талқинлари Наврўз байрамига ўзгача мазмун-моҳият бағишлади.

Наврўз тикланибгина қолмай, уни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни чинакам халқ сайли сифатида кенг кўламда тантана қилиш билан боғлиқ тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, яқинда матбуотда Президентимизнинг "2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилиниши ҳам бу йилги Наврўз байрамининг асосий моҳиятини белгилаб берди. Бу қарор асрлар ардоғида улғайган боқий шодиёнамиз мазмунини янада бойитадиган ва такомиллаштирадиган янги ғояларнинг туғилишига асос бўлди.

Мазкур қарорда алоҳида таъкидланадики, "Бугунги кунда ушбу умуммиллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан уйғун бўлиб яшаши, унинг қалбида эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олижаноб туйғуларни уйғотиш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий қадрият ва анъаналаримиз руҳида камол топтириш борасидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда". Чиндан ҳам, Наврўз байрами ҳамиша одамларни бағрикенгликка, ўзаро ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшашга, бирдамлик ва бирлашишга ундаб келган. Бу байрам кишилар қалбида эзгу туйғуларни уйғотади, одамлар қалбида ҳам, табиатда ҳам яшариш, янгиланиш мавсумини бошлаб беради, ўзаро меҳр-муҳаббат, саховат, яхшиликни тараннум этади. Наврўз байрамининг умрбоқий шодиёна сифатида халқимиз ҳаётидан муносиб ўрин олиб, асрлар оша сақланиб келганлигининг боиси ҳам аслида ана шунда.

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида халқимизнинг ўзига хос эзгу фазилатлари ва қадриятларининг моҳияти ўз ифодасини топганлиги алоҳида эътиборга молик. Наврўз — яратувчилик фасли. Шу жиҳатдан мазкур шодиёна инсон ва табиатнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Қарорда ҳам шу йилги байрамни ўтказиш ҳақида "Наврўз фаслида инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг бўлиб, ўзини табиатнинг ажралмас бир қисми деб ҳис этишини ифода қиладиган, атроф-муҳитни, она-заминни эъзозлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш" лозимлиги алоҳида кўрсатилгани ҳам айни муддаодир.

Мазкур қарор Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Наврўз байрамини тиклаш, уни ҳам мазмунан, ҳам шаклан бойитиш, халқимиз кўнглининг ободлиги, юртимиз осойишталиги ва тараққиётимизнинг ўзига хос тамойилларини намойиш этадиган муштарак тантана сифатида нишонлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давомидир. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унда бу йилги байрам кишилар ўртасидаги меҳр-мурувват, аҳиллик, самимият, оқибатлилик, яхшилик, эзгулик, оила фаровонлиги, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсиши, эл-юрт хотиржамлиги, табиатни эъзозлаш, ҳалол меҳнатни қадрлаш ва бунёдкорлик ғоялари ўзида мужассамлаштирган чинакам халқона сайил сифатида ўтказилиши қайд этилган. Дарҳақиқат, Наврўз барчамизни хайрли ишларга, кўнглимиздаги эзгу орзуларни амалга оширишга ундайди.

**Маматқул ЖЎРАЕВ,**
***филология фанлари доктори, профессор.***

## Андижоннинг шаҳарсозлик тарихи

Андижонда шаҳарсозлик маданияти эрамиздан аввалги VI асрда шаклланган.

ИЗЛАНИШ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология илмий тадқиқот институти Халқаро Бобур жамоат фонди билан ҳамкорликда олиб борилган қазишмалар жараёнида топилган кўплаб ашёвий далилларнинг батафсил ўрганилиши натижасида ана шундай хулосага келинди. Тарих фанлари доктори Боқижон Матбобоев бошчилигидаги илмий экспедиция томонидан йиллар давомида тўпланган бу ҳақдаги маълумотлар "Андижон тарихи" китобида жамланди.

Айтиш керакки, ушбу китоб чоп этилгунга қадар Андижон шаҳри тарихига оид илмий асосланган фактлар ЮНЕСКО ҳамда хорижий мамлакатлардаги нуфузли илмий тадқиқот марказларига юборилди ва улардан ижобий хулосалар олинди. Топилган экспонатлар эса "Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи" музейини бойитди.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

XALQ BANKI

# Изчиллик, самарадорлик ва натижа

*Истиқлол йилларида иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари, шу жумладан, молия-банк тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ўзининг юксак самарасини бераётир. Кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб, сифати яхшиланиши баробарида, аҳолининг тижорат банкларига бўлган ишончи янада мустаҳкамланаётгани бунга асос бўла олади.*

Хусусан, Давлат-тижорат Халқ банкининг Қорақалпоғистон филиали томонидан Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорлари ижроси таъминланиб келинаётгани туфайли унинг капиталлашув даражаси ортиб, инвестициявий фаоллиги ошмоқда. Айниқса, ушбу филиал ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кичик бизнес субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлашда фаол қатнашиб келаяпти. Филиал фаолиятининг тизимли равишда йўлга қўйилгани пировардида унинг мижозлари сони 8000 нафарга етишини таъминлади. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1000 нафар кўпдир. Айни пайтда уларга банкнинг 16 та туман филиали, 9 та минибанки, 32 та махсус касса ва 142 та шохобчаси томонидан сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

Хусусан, "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, аҳолини, жумладан, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи банк филиалининг диққат-эътиборида бўлди. Мисол учун, уларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари сотиб олишлари учун 1 миллиард 36,5 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Натижада 240 та ёш оила рўзғорини зарур буюмлар ва маиший техника воситалари билан бутлаб олди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Соғлом бола йили" Давлат дастурида фарзандларимиз улғайиб вояга етадиган муқаддас маскан саналмиш оилалар турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида ушбу йўналишдаги ишлар кўламини тобора кенгайтириш вазифаси белгилаб берилди. Бу, ўз навбатида, тижорат банклари зиммасидаги масъулиятни бундан-да оширади. Ана шундан келиб чиқиб, банк филиали мижозларга кўпроқ кредит ажратиш, айниқса, инвестициявий йўналишдаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришга устувор аҳамият қаратмоқда. Яъни ўтган йили кичик бизнес субъектларининг шундай лойиҳалари ижроси учун 45,9 миллион сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткич сезиларли даражада оширилади.

— Халқ банкининг Қораўзак филиалидан 60 миллион сўмлик кредит олиб, уни тўлалигича ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга сарфладик, — дейди "Саҳро универсал сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Воҳид Отамуродов. — Хусусан, янги тикувчилик цехини ташкил этиб, кийим-кечаклар тайёрлашни ўзлаштирдик. Бугунги кунда корхонамизда касб-ҳунар коллежларини битирган 15 нафар чевар меҳнат қилаяпти. Улар тикаётган турли дизайндаги маҳсулотларга талаб тобора ортиб, буюртмалар сони кўпаймоқда. Шунинг учун Халқ банкининг молиявий кўмагидан фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштираяпмиз.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз иқтисодиётида мустаҳкам ўрин эгаллаётган кичик бизнес вакиллари сафи касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини тамомлаган ёшлар ҳисобига кенгаймоқда. Уларнинг бизнес лойиҳалари муваффақиятли рўёбга чиқишида эса банк филиали муносиб ҳисса қўшиб келаётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Масалан, 1 миллиард 36 миллион сўмлик кредитнинг айни шу мақсадга йўналтирилгани туфайли тадбиркорликка уқуви юқори бўлган 112 нафар коллеж битирувчиси ўз бизнесини йўлга қўйди. Яна 350 нафар ёшнинг бандлиги таъминланганини айтмайсизми?!

— Мен ҳам шу банк кўмагида тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёшлардан бириман, — дейди Тахтакўпир тумани қурилиш касб-ҳунар коллежи битирувчиси Дилфуза Султонова. — Коллежда ўқиб юрган кезларимдаёқ, хонадонимизда чорвачиликни ривожлантиришга доир бизнес-режани пишитиб юрардим. Ўқишни тамомлагач, Халқ банкининг туманимиздаги филиалига мурожаат этдим. Лойиҳам уларга маъқул келиб, қисқа муддатда 3 миллион сўм маблағ ажратишди. Унинг эвазига оилавий чорвачиликни йўлга қўйдим. Келажакда фаолиятимни яна кенгайтириб, халқимизга сифатли сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб бермоқчиман.

Кўриниб турибдики, банк тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, оилавий бизнесни ташкил этиш ниятидаги юртдошларимиз учун молиявий таянч вазифасини ўтаяпти. Негаки, ўтган йили оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш учун жами 841 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Бунинг эвазига 300 га яқин иш ўринлари яратилди. Умуман олганда, Давлат-тижорат Халқ банкининг Қорақалпоғистон филиали томонидан 2013 йилда жами 8 миллиард 925,6 миллион сўм миқдорида истеъмол ва микрокредитлар ажратилиб, мазкур кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 7 миллиард 136,3 миллион сўмга ортгани диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, филиал томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳолининг эркин пул маблағларини омонатларга жалб этишни янада рағбатлантириш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда. Чунончи, 15 дан ортиқ жозибали омонат турлари таклиф қилингани туфайли 2013 йилда филиал томонидан банк депозитларига аҳолидан жалб этилган маблағлар миқдори 15,4 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу рақам олдинги йилдагидан 2,1 миллиард сўм кўпдир.

Соғлом бола йилида ҳам банк ўз мижозларига бир нечта янги омонат турларини таклиф этмоқда. "Капитал" ва "Ишончли тўлов" муддатли, "Нафақа" жамғарма, "Файзли" жамғарма-ютуқли омонатлари шулар жумласидандир.

Айни чоғда банк пластик карточкаларидан фойдаланувчилар сони ҳам кўпаймоқда. Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 93 минг 959 тани ташкил қилгани, савдо ва хизмат кўрсатиш муассасаларига 1 минг 777 та терминал ўрнатилгани бунинг яққол далилидир.

Терминал тармоғининг узлуксиз ишлаши ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, мижозларга кўрсатиладиган хизматлар турини кенгайтириш бўйича изланишлар эса давом эттирилмоқда.

Қисқача айтганда, Давлат-тижорат Халқ банкининг Қорақалпоғистон филиали жамоаси Соғлом бола йилида мижозларга янада сифатли хизмат кўрсатиш орқали мамлакатимизда тадбиркорлар фаолияти кенгайиши, оилавий бизнес ривожига ўз ҳиссасини қўшиш билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий таянч бўлишга қатъий аҳд қилган. Зеро, банкнинг бош мақсади Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш йўлида хизмат қилишдан иборат.

**Банк Матбуот хизмати.**

Реклама ўрнида

## Даромадли тармоқ

АСАЛАРИЧИЛИК

*Янгиқўрғон туманининг тоғолди ҳудудида яшовчи аксарият аҳоли асаларичилик билан шуғулланади. Улардан бири — Гулшан қишлоғилик Саидқосим Турсунов ҳам шу касбнинг этагидан тутиб кам бўлаётгани йўқ.*

— Тасарруфимизда олтмиш қути асалари оиласи бор, — дейди С. Турсунов. — Парваришига жиддий эътибор берсангиз, уларнинг ҳар биридан 30 килограммгача бол олиш мумкин.

Турсуновлар хонадони томонидан ўтган мавсумда бир тоннадан ортиқ асал тайёрланди. Бу шифобахш неъматнинг харидори чаққон, бозорда унинг килоси 30 минг сўмдан ортади. Шундан келиб чиқиб, оила аъзоларининг йиллик даромадини чамаласангиз бўлади.

Вилоятда мазкур сердаромад тармоққа қизиқувчилар сони кун сайин ортмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида 643 та асаларичилик хўжалиги ташкил этилгани ана шундан далолат беради.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Реклама ва эълонлар

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

Fitch Ratings

Халқаро рейтинг агентлиги

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

MIKROKREDITBANK

очиқ акциядорлик
тижорат банкининг
2014 йилги кредит рейтингини
«БАРҚАРОР»
деб тасдиқлади.

«Микрокредитбанк» сармоялари —
тадбиркорлик, бунёдкорлик
ва тараққиёт хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

331А/175

МЧЖ «KRANTAS»
шартнома асосида
ишлаб чиқаради ва сотади:

БЕНЗОВОЗ
«ISUZU», «КамАЗ» шассисида
Буюртма асосида



АВТОЦИСТЕРНАЛАР-ВОДОВОЗ
«ISUZU», «КамАЗ» шассисида
Буюртма асосида



КАФОЛАТ 1 ЙИЛ

ВАХТА УЧУН АВТОБУС
«КамАЗ» шассисида (6х6) 20-24 одамга
Буюртма асосида



СУВ СЕПАДИГАН МАШИНА
«ISUZU», «КамАЗ» шассисида
Буюртма асосида



(8-371) 262-63-45, т/ф 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. www.ttemz-kran.uz

ООО «CRANES & SPECIAL TRUCKS» ишлаб чиқаради ва сотади:

АВТОКРАНЛАР юк кўтариши 16 т., 25 т., 32 т., 50 т.
Буюртма асосида



Буюртма асосида



КАФОЛАТ 1 ЙИЛ

САМОСВАЛЛАР
«HOWO SINCTRUCK» шассисида,
юк кўтариши 20 т., 25 т.
Буюртма асосида



КРАНМАНИПУЛЯТОРЛАР
«ISUZU», «КамАЗ» шассисида,
юк кўтариши 2,6 т., 5,3 т.
Буюртма асосида



Телефонлар:
(8-371) 262-63-45,
тел./факс: 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 808-88-17.
www.ttemz-kran.uz

1943R/1062

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг
савдоларига чиқарилиб,
2014 йил 20 февралда ўтказилган
танлов савдоси
натижасига кўра сотилган, Наманган вилояти,
Янгиқўрғон тумани, «Наврўзобод» ҚФЙ,
«Бирлик» МФЙда жойлашган,
умумий майдони
1,48 гектар бўлган бино-иншоотлар,
бошланғич баҳоси — 619 902 527 сўм,
сотилиш баҳоси — 620 000 000 сўм.

329А/1453

«Universal Realtor» МЧЖ
2014 йил 30 январь куни бўлиб ўтган
аукцион савдосида
«Toshviloyat-та'minot savdo»
давлат унитар корхонаси балансидаги,
Тошкент вилояти, Зангиота тумани,
«Назарбек» ҚФЙ, Лойиҳачи кўчаси, 7-уйда
жойлашган мулкий мажмуа
8 034 000 000 сўмга сотилганлигини
маълум қилади.

330А/178

**Сурур**



*Бу сафар юртимизга турналар ҳар галгидан эрта келиб, пастлаб учишди. Кексаларнинг айтишича, бу — йилнинг яхши келишидан аломат. Зеро, турналар пастлаб учган элда тўкинлик ва фаровонлик, тинчлик ҳамда хотиржамлик бўлади.*

# Турналар — кўклам элчилари



Ер юзида мавжуд қушларнинг бешдан бир қисмигина бир жойда муқим яшайди. Қолганлари совуқ тушиши олдидан иссиқ ўлкаларга учиб кетади. Қишни Нил дарёси водийсида ўтказадиган турналар эса баҳор келиши билан қадрдон ўлкаси — Ўзбекистонимизга учиб келади.

Табиат ошуфталарининг айтишича, бу гўзал қушлар жуда ҳисобдон бўлиб, об-ҳаво исиб ёки совиб кетишини тўғри баҳолашади. Шунинг учун ҳам, кексалар кўклам бошланганини турналар келганидан мўлжал олишади.

Шуни айтиш керакки, ҳеч қайси қуш галаси турналардек тизилиб учмайди. Улар саф бошидаги етакчи орқасидан тинмай қанот қоқиб, минглаб километр масофани босиб ўтади. Кундузи ҳам, тунда ҳам, туман ва ёмғирда ҳам учаверади. Бу жараёнда, айниқса, етакчига катта масъулият юкланади: ҳаво тўсиғини ёриб, йўлни тўғри танлаш керак. Шу боис у галадаги бошқа тажрибали турналар билан тез-тез алмаштирилади.

Яна шундай ҳикоя қилишади: турналар сафар олдидан далалар устидан пастлаб учиб, аллақандай овоз чиқариб “чирқиллайди”. Бу чақириқ бўлиб, уни эшитган митти қушлар турналар галаси ортидан йўлга тушади. Турналар қанотлари остида қалдирғочларни олиб келади, дея бежиз айтишмайди-да!

Ҳақиқатан ҳам, турналар яхшилик ва эзгулик элчиларидир. Улар кўкда тизилиб, орзиқиб кутилган баҳорни, илиқ-иссиқ кунлар тафтини олиб келадилар.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассисларининг айтишича, диёримизда турналарнинг энг йирик тури — оқ турна учрайди. Уларнинг вазни саккиз килограммгача етади. Асосан, Амударё ва Сирдарё ҳавзалари, шунингдек, кўл қирғоқларида қўним топиб, кўпаяди. Бироқ бу ноёб қушларнинг сони дунё бўйича тобора камайиб бораётгани ташвишланарлидир.

> Турналарни “Жаннат қушлари” деб ҳам атайдилар. Чунки улар табиатнинг асл қиёфаси сақланган хилват гўшалар, тинчлик ҳукм сураётган ўлкаларда қўним топишади. Ҳар баҳорда диёримизга ташриф буюриб, тўқайзор, чакалакзор, ботқоқликлар, дарёлар соҳили ва қамишзорлар орасида уялаб, полапон очиши қалбимизда ажиб ҳисларни уйғотади.

Ҳар йили кўклам чоғида узоқ ўлкалардан учиб келиб, дарёларнинг соҳилларига сув ичиш учун қўнар экан, шу аснода тин олиб, куч йиғишади. Сўнгра мусаффо осмонимиз узра яна парвоз қилади. Буни кўрган болалар “Арғамчи бўл, гилам бўл!” дея ҳайқириб чопишади. Бунга ҳамоҳанг қушларнинг ҳали арғимчоқ солиб, ҳали тўпланиб учиши, чиндан-да, ҳайратланарли. Бу юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик рамзидир, аслида.

**С. РАҲМОНОВ.**

Бухородаги сўлим оромгоҳлар, тарихий-меъморий мажмуалар, шунингдек, “Ситораи Моҳи Хоса” музейи ҳовлисида бўлган кишининг эътиборини бири-биридан салобатли ва кўркам дарахтлар ўзига тортиши тайин. Улар орасида, айниқса, чинни гужумлар алоҳида ажралиб туради.

# Чинни гужум тароватi

Худди атайин қилингандек, доирасимон шаклга кирган бу дарахт киши кўзини қувонтиради. Унинг сояси эса жазирама ёзда — жоннинг роҳати.

— Гужумлар Бухорода азал-азалдан ўстириб келинган, — дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг масъул ходими Шовмиддин Пардаев. — Негаки, улар қурғоқчиликка чидамли. Гужум худди янтоққа ўхшаб 10-12 метр чуқурликкача илдиз отади. Барглари тукчалар билан қопланганi туфайли қуёш иссиқлигини ўтказмайди. Ҳаводаги намликни сўриб олиб, буғлантириш хусусияти кам. Бундан ташқари, унга зарарли ҳашаротлар ҳам таъсир қилмайди.

Гужумлардан тўрт, саккиз, ўн икки қаторли иҳотазорлар барпо этиш қум кўчкиларини олдини олиш, шамоллар йўлини тўсиш, иқлимни мўътадил сақлашда қўл келади. Ота-боболаримиз ундан ёғочбоп материал сифатида ҳам фойдаланишган. Ёғочидан тайёрланган дарвоза ва эшиклар пишиқлиги, мустаҳкамлиги боис узоқ йиллар хизмат қилган. Усталар дурадгорлик жиҳозлари ясашда ҳам гужум ёғочини ишлатишининг боиси шунда.

**Жозиба**

Мутахассисларнинг фикрича, гужум баргида ошловчи модда кўп. Ўтмишда кийим-кечак ва гиламлардаги доғларни кетказишда унинг барги асқатган. Шу маънода, гужумни ҳали чуқур ўрганилмаган табиат мўъжизаси, десак, адашмаймиз.

— Гужумлар иссиқ иқлим шароитига мос, — дейди вилоят марказий давлат ўрмон хўжалиги бош директори Абдураззоқ Бобоқулов. — Қумликларда яхши ўсади. Тупроқни эрозиядан асрайди. У кўп озуқа талаб қилмагани учун ниҳолини парваришлашда ортиқча куч талаб этмайди. Биз ана шу омилларни инобатга олган ҳолда, гужум кўчатларини кўпроқ етиштираяпмиз. Айни пайтда Хоразм, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги корхона ва ташкилотларга шундай кўчатлар етказиб берилмоқда.

Бу борада Қоровулбозор, Ғиждувон, Шофиркон ўрмон хўжаликларида катта тажриба тўпланган. Чинни гужумга келсак, у пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади. Август — сентябрь ойларида оддий гужумга чинни гужум пайванд қилинса, чиндан ҳам, жуда чиройли манзара касб этадиган дарахтга айланади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ТУЙҒУ**

# Эзгу ниятларга камол бўл, баҳор

*Қайдасан, бодомгул, баҳор чечаги,*
*Қорларни қаритди қишнинг эртаги,*
*Дилларда бодрайди умид куртаги,*
*Ой бўлиб осмонда юз очгин, баҳор,*
*Кун бўлиб сен кўкда кўз очгин, баҳор.*

*Майсалар муроди бўйламоқ бўлса,*
*Ирмоқлар шўху шаън куйламоқ бўлса,*
*Болари бол билан сийламоқ бўлса,*
*Кел, гуллар тўшалган из очгин, баҳор,*
*Меҳру муҳаббатдан сўз очгин, баҳор.*

*Дарахтлар шохида соғинч сарғайди,*
*Ариқлар бўйида овунч мудрайди,*
*Сен қайда юрибсан, эрка қиз, дайди,*
*Ҳар кифтга бир чимдим нур сочгин, баҳор,*
*Ҳар кафтга бир ҳовуч дур сочгин, баҳор.*

*Кел энди, куртаклар инжулар сочсин,*
*Турналар кўклардан кулгулар сочсин,*
*Кўнгиллар кўшкини туйғулар очсин,*
*Муштоқ нигоҳларга йўл очгин, баҳор,*
*Дуогўй момомдек қўл очгин, баҳор.*

*Қувонч қўша келса кўзлар ёшланар,*
*Элнинг баракаси сендан бошланар,*
*Сени чорлайверар сенга ташналар,*
*Жаннатий диёрга жамол бўл, баҳор,*
*Эзгу ниятларга камол бўл, баҳор.*

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**



# ОНАЖОНИМ — ТАБИАТ

**Навруз нафаси**

*Баҳорнинг “илигузилди”сида кишининг арзимаган меҳнат жараёнида силласи қуриши кузатилади. Негаки, инсон организми қиш давомида ҳаётбахш моддаларга “очиқиб” қолади. Кўкламнинг илк кунларида табиатимиз инъом қиладиган неъматлар эса унинг ўрнини тезда қоплаш имконини беради. Ялпиз — шундай қувватбахш гиёҳлардан бири.*

# Ялпиз

Дарҳақиқат, баҳор элчиси ҳисобланган ялпиз организмнинг иммунитетини ошириб, танга дармон бағишлайди. Унинг хуш бўйи эса киши асабларини тинчлантириб, кайфиятини кўтаради.

Совуқ кунлар чекиниши билан офтобрўй жойлар, ариқ, жилға ва сой четларида ялпиз қўшқулоқ бўлиб бўй кўрсатади. Ундан тайёрланган сомса, чучвара ва суюқ таомлар иштаҳангизни очиши



билан бирга, танангизга тетиклик бағишлайди. Чунки унинг таркибида кўп миқдорда эфир мойлари ва органик кислоталар мавжуд.

Ялпиз нафақат зиравор, балки кўплаб хасталикларнинг давоси сифатида алоҳида қадрланади. Абу Али ибн Сино ичак оғриқларини ялпиз ёрдамида даволаган. Шунингдек, у овқат ҳазм қилишни яхшилаш, гижжа ҳайдаш, қон тўхтатиш, қайт қилишни қолдириш хусусиятига эга эканлигини алоҳида қайд этган.

Халқ табобатида ялпиз баргидан тайёрланган қайнатма тиш оғриғи, милк яллиғланишини даволашда қўлланилади. Бундан ташқари, бу кўклам неъмати бавосил, ширинча, мичал касалликларини даволашда яхши самара бериб, ошқозон-ичак йўли фаолиятини яхшилайди ва сафро ҳайдаш хусусиятини оширади.

Шундай экан, соғлиғингизни мустаҳкамлай десангиз, ялпиз истеъмол қилинг.

**Доно ХЎЖАЕВА,**
**олий тоифали доришунос.**

# Шифобахш гиёҳлар ошёни

Кейинги пайтларда жаҳон фармацевтика саноатида доривор ўсимликларга бўлган талаб тобора ортмоқда. Сабаби, бундай хом ашё асосида тайёрланган дори воситалари муолажадан сўнг организмда ҳеч қандай асорат қолдирмайди. Сунъий йўл билан олинган дори-дармонларнинг узлуксиз қабул қилиниши эса киши вужудининг фаолияти ва тузилиши бузилишига олиб келиши аллақачон исботини топган. Шу боис юртимизда қадим-қадимдан кўпгина хасталикларни даволашда ўсимликлардан фойдаланиб келинган.



Мамлакатимизда шифобахш гиёҳлар ўсадиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш, унинг деҳқончилигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани эса фармацевтика саноатини хом ашёлар билан таъминлашда муҳим омил бўлаяпти. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси хузуридаги “Шифобахш” илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолияти айни шу мақсадга йўналтирилгандир.

Аслида, ўлкамиз флораси ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, ўсимликларнинг 4500 дан ортиқ тури учрайди. Шундан 600 дан зиёди шифобахш хусусиятларга эга. Марказимиз томонидан бундай наботот намуналари табиатга зиён етказилмасдан йиғиштириб олингач, бирламчи қайта ишланади ва қадоқланиб, истеъмолчиларга етказиб берилади. Бунда республикамизнинг тупроқ-иқлим ва сув шароитлари инобатга олиниб, бешта ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги ташкил қилингани айни муддао бўлмоқда.

Ушбу хўжаликларда диёримиз табиатида учрайдиган доривор ўсимликларни парваришлашдан ташқари, чет эллардан келтирилган ноёб турларни иқлимлаштириш, уларни кичик-кичик сой ва булоқлар атрофларида маданий ҳолда ўстириш ишлари ҳам олиб борилади. Бундан кўзланган асосий мақсад соғлиқни сақлаш тизими ва фармацевтика саноати корхоналари учун мустаҳкам хом ашё базасини яратиш, қолаверса, доривор ўсимликларнинг табиатда йўқолиб кетиши ва табиий захиралари камайишининг олдини олишдан иборат. Масалан, бугунги кунда ўрмон хўжаликларимизда ўлкамиз табиатига хос бўлган ва чет элдан олиб келинган пол-пола, маккаи сано билан бирга, мойчечак, тирноқгул, қалампир ялпиз, арслонқулоқ, чой ўти, тоғ райҳони, бўймадарон, баргизуб, кийик ўти, наъматак, қизил дўлана, қариқиз, жағ-жағ каби бир қанча ўсимликлар маданийлаштирилган ҳолда ўстирилмоқда. Натижада йилига 300-350 тоннадан зиёд доривор ўсимликлар тайёрланаяпти. Уларнинг маълум қисми хўжаликларнинг ўзида бирламчи қайта ишланиб, истеъмолчиларга қадоқланган ҳолда тавсия этилаётгани қувонарлидир.

Таъкидлаш керакки, заминимизда учрайдиган гиёҳлар асосида тайёрланган маҳсулотларга хорижда ҳам талаб юқори. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ўрмон хўжаликлари томонидан етказиб берилаётган дуғбой ва алқор ўсимликларига, айниқса, эҳтиёж катта.

**Наботот**

“Salvare” масъулияти чекланган жамиятида улар асосида сафро ҳайдовчи йиғмалар тайёрланиб, маҳсулотнинг асосий қисми чет давлатларга сотилаяпти. Бундан ташқари, марказимиз билан ҳамкорликда “Протон” илмий-ишлаб чиқариш корхонасида наъматак ва бошқа 6 хил шифобахш гиёҳдан талқонсимон йиғмалар тайёрлаш йўлга қўйилган. “Double D” савдо белгиси остида чиқарилаётган ушбу воситалар эса экспорт қилинмоқда.

Шифобахш гиёҳлар маданий ҳолда етиштирилишининг афзал жиҳатлари кўп. Бу усул, аввало, фармацевтика саноати учун бир хил ёш ва типдаги хом ашё қабул қилиб олиш имконини берадики, пировардида қайта ишлаш жараёни енгиллашади. Шу маънода, халқ табобатида кўп йиллар давомида ишлатилиб келинаётган доривор ўсимликларнинг илмий табобатда кенг қўлланилишига яқиндан кўмаклашиш катта аҳамиятга эга. Зеро, шифобахш ўсимликларни тайёрлаш ҳажми ва турининг кўпайиши халқимизнинг ҳаётбахш неъматларга бўлган эҳтиёжи тўла-тўкис қондирилиб, аҳоли соғлиғи мустаҳкамланишининг гаровидир.

**Учқун ИДРИСХЎЖАЕВ,**
**«Шифобахш» ИИЧМ**
**бош директори ўринбосари.**

**Таълим**

Ёш авлоднинг экологик маданияти ва билимини ошириш, уларда она-табиатга нисбатан меҳр уйғотишда мактабдан ташқари таълим муассасалари муҳим ўрин тутади. “Баркамол авлод” республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази ана шундай муассасалардан бири. Мажмуанинг ўзида экологик йўналишдаги бир неча фан тўгараклари ташкил этилган бўлиб, машғулотлар илғор педагогик, ахборот технологиялари асосида умумий ўрта таълим фанлари — табиатшунослик, биология, зоология, география, физика сингари қатор йўналишлар уйғун ҳолда ўргатилади.

# «Экологик боғ»даги сабоқ

Марказда ташкил этилган тўгаракларда ўқувчилар томонидан жонажон юртимиз тарихи, археологик ва маданий мероси чуқур ўрганилиши баробарида, табиий бойликлар билан ҳам таништириб борилади. Машғулотларнинг табиат қўйнида — марказ қошидаги “Экологик боғ”да ўтказилиши ўқувчиларнинг тасаввурлари кенгайишига хизмат қилади. Қолаверса, ўқувчи-ёшларнинг табиат қўйнига, хусусан, юртимизнинг тоғли ҳудудларига уюштириладиган экскурсиялар, давра суҳбатлари ҳам уларнинг экологик билимларини оширишга қаратилган.

Масалан, ўтган йили бир неча бор “Юртим тарихини ўрганаман” шиори остида мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоот ва мажмуаларга, шунингдек, тарихий қадамжолар, табиатнинг бетакрор мўъжизалари, маданият масканларига саёҳатлар уюштирилди. Бунда ҳар бир обиданинг тарихи, маънавиятимизда тутган ўрни ҳақида тушунтиришлар бериб борилди. Бу эса, табиийки, навқирон авлодда ўз юртига бўлган ҳурматни, унинг тарихини ўрганишга, тадқиқ этишга бўлган иштиёқни янада оширади. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ўқувчи-ёшлар ўлкашунослик, юртимиз тарихи ва экологияга оид кўплаб танловларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Чунончи, “Обод юрт — бахтли келажак”, “Ободлик кўнгилдан бошланади”, “Оила — маҳалла — таълим даргоҳи”, “Ватан келажаги учун менинг ҳиссам” мавзуидаги танловлар, “Ёш табиатшунос”, “Ёш экскурсовод” ва “Ёш ўлкашунос” акциялари шулар жумласидандир. Қолаверса, Ватанимиз тарихи, аждодларимизнинг амалга оширган улкан ишлари ҳамда диёримиз гўзаллиги билан таништириш мақсадида тўгараклар аъзолари иштирокида Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди.

Марказимизнинг ўзига хос томонларидан яна бири, бу ерда фаолият кўрсатаётган педагоглар томонидан вилоятлардаги “Баркамол авлод” марказлари учун методик қўлланмалар ҳам тайёрланади.

Марказимизда ахборот-ресурс маркази фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бу ерда 3 мингга яқин ўлкашунослик ва экологик мазмундаги дарсликлар, қўлланмалар, услубий тавсияномалар, ҳайвон ҳамда ўсимликлар ҳаётига бағишланган 100 дан ортиқ видеофильмлар мавжуд.

Жорий йилнинг мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб номланиши марказ фаолиятини янада такомиллаштириш, мавжуд тўгаракларга ўқувчилар қатновини кенгроқ жалб этиш вазифасини юклайди. Шу мақсадда муассасамизда муайян ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, “Очиқ эшиклар куни” тадбирлари доирасида юртимиз зиёлилари, ҳунармандлар иштирокида учрашувлар, касбга йўналтирувчи суҳбатлар, кечалар ўтказилмоқда.

Ўз навбатида, буларнинг барчаси баркамол авлодни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, улар онгида Ватанга муҳаббат ғояларини шакллантиришга қаратилгандир.

**Лола ЕШМУРЗАЕВА,**
**«Баркамол авлод»**
**Республика болалар**
**ўлкашунослик ва экология**
**маркази директори.**



# ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

*Дельфин организмининг энг йирик аъзоси унинг мияси саналади: мия яримшарлари уйқу пайтида ҳам навбатма-навбат ишлайди. Бу эса дельфинларнинг сув остида уйқуга кетган чоғида нафас олиши билан бирга, чўкиб кетмаслигини таъминлайди.*

***Кенгурунинг 70 га яқин тури мавжуд бўлиб, улар орасида валлаби энг кичиги ҳисобланади. Халталиларнинг энг йириги эса қизил кенгурудир. Унинг вазни 90 килограммгача етади.***

Агар энг юқори частотали овозни итларгина эшита олади, деб ўйласангиз, адашасиз. Бу борада Ява, Суматра ва Калимантан оролларида учрайдиган қурбақалар анча пешқадам саналади. Улар 38 кГцгача бўлган овозни бемалол эшита олиши аниқланган. Бақаларнинг бу тури тезоқар дарёларда яшагани туфайли шундай хусусиятга эга.

Айиқлар ичида энг кичиги — бу коала. У 3-5 грамм оғирликда туғилади. Катталарининг вазни 15 килограмм, бўйи 80 сантиметрга етади.

**Денгиз жониворлари ичида энг катта юрак китларга тегишли. Уларнинг бу органи 600-700 килограммни ташкил этади. Аммо у ҳар дақиқада 20 марта уради, холос.**

Кўк кит энг кўп, яъни 120 йилгача яшаши мумкин.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 318 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5